



**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



УЎТ: 633.511:575.222:631.527

**ҚОРАҚАЛПОИСТОН ШАРОИТИДА КУНГАБОҚАРНИНГ F₄ ДУРАГАЙ
ОИЛАЛАРДА ТЕЗПИШАРЛИК БЕЛГИСИНИНГ ВАРИАЦИОН ТАҲЛИЛИ**

Айтжанов Бахытжан Узақбаевич

Дон ва шоли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси “Мойли экинлар селекцияси ва уручилиги” лабораторияси мудири қ.х.ф.д., к.и.х

Сейтбаев Раўаж Сарсенбаевич

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти
“Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва тупроқ унумдорлиги”
лабораторияси мудири қ.х.ф.д., к.и.х

Айтжанов Узақбай Ещанович

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти
“Ўза селекцияси ва уруғчилиги” лабораторияси мудири қ.х.ф.д., к.и.х

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19229866>

Аннотация. Ушбу мақолада кунгабоқарнинг F₄ дурагай оилаларида тезпишарлик белгисининг вариацион таҳлили келтирилган. Бунда тадқиқотлар натижасида турли хил селекцион танлашлар асосида кунгабоқарни F₄ оддий ва мураккаб дурагай оилаларини тезпишарлик белгиси ижобий бўлган оилалар бошланғич ашёлар сифатида кейинги кўчатзорга ўтказиш мақсадида танлаб олинган.

Калит сўзлар: кунгабоқар, оддий ва мураккаб дурагайлаш, дурагай авлод, оилалар, тезпишарлик, вегетация даври, вариацион таҳлил ўзгарувчанлик, чиқитга чиқазиш, мослашувчанлик, якка танлов.

Аннотация. В данной статье представлен вариационный анализ признака скороспелости у гибридных семей F₄ подсолнечника. В результате исследований на основе различных селекционных отборов были отобраны простые и сложные гибридные семьи подсолнечника F₄ с положительными признаками скороспелости в качестве исходного материала для переноса в следующий питомник.

Ключевые слова: подсолнечник, простая и сложная гибридизация, гибридное поколение, семьи, скороспелость, вегетационный период, вариационный анализ, изменчивость, браковка, адаптивность, индивидуальный отбор.

Abstract. This article presents a variational analysis of the early maturity trait in sunflower F₄ hybrid families. As a result of research, based on various selections, simple and complex F₄ sunflower hybrid families with positive early maturity characteristics were selected as initial material for transfer to the next nursery.

Keywords: sunflower, simple and complex hybridization, hybrid generation, families, early maturity, growing season, variational analysis, variability, rejection, adaptability, individual selection.

Кийиниш. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида кимматли хўжалик белгилари мавжуд манбаларини аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалик экинларини комплекс ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва бу борада чуқур илмий-амалий изланишлар олиб бориш бугунги куннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Аҳолимизнинг кўпайиши туфайли озиқ-овқат маҳсулотига бўлган еhtiёж ортмоқда, айниқса ёғ-мой маҳсулотлари - турли хил ўсимлик мойларига бўлган еhtiёж кун сайин ортиб бормоқда. Шунинг учун турли тупроқ-иқлим, гидро-



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



мелиоратив минтақалари учун кунгабоқарнинг турли нокулай шароитларига, қурғоқчиликка чидамли, қимматли хўжалик белгиларини намоён етадиган, кунгабоқарнинг тезпишар, юқори мойдор ва маҳсулдор навларини яратиш зарур ҳисобланади.

Х. Н. Атабаева [1] нинг маълумотларида кунгабоқарнинг ўта тезпишар навлар – 60 – 69 кун, тезпишар навлар – 70 – 79 кун, эртапишар навлар – 80 – 89 кун, ўртапишар навлар 90 – 99 кун, кечпишар навлар – 100 – 109 кун ва ўта кечпишар навлар 110 ва ундан кўп кун талаб қиладиган навлар.

А.А. Вологович, О.В. Прохоренко [2] ларнинг маълумотларича юқори ҳосилли тезпишар нав ва дурагайлар яратиш ҳам Кунгабоқар селекциясида энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Н.У.Ока, Р.Шабана, В.Н.Суровикин ва бошқаларнинг фикрича ўсув даврининг узун-қисқалиги, тезпишарлик кўп ҳолларда ташқи муҳитга ҳарорат ва ёруғлик даврилигига ўстириш шароити (ўғитлаш, суғориш ва бошқа технологик омиллар)га боғлиқ бўлсада бу кўрсаткич ҳам юқори (ирсийланиш коэффициенти $N^2=0,52$) даражада ирсийланувчи белгилардан ҳисобланади. Ўсув даврининг узайиши билан ўсимлик бўйига ўсиб ($h^2=0,83$) барг сони ортади ($N^2=0,944$, $h^2=0,61$).

Д.С. Василев [3] нинг айтишларича одатда кунгабоқарнинг тезпишар ва эрта пишар навлар уруғининг ҳосилдорлиги бўйича ўртапишар ва кечпишар навларга нисбатан пастроқ бўлади. Аммо бу биологик қонуниятни ўзгартириш селекционерларнинг вазифасидир. Тезпишар навларни яратишга қаратилган селекциянинг Ўзбекистон шароити учун, айниқса анғизда кунгабоқарни экиб юқори ҳосил олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Эртапишар навларни яратиш селекциясида асосий чиқитга чиқариш ишлари гуллаш даврида ўтказилиб ҳамма кеч гуллайдиган ўсимликларни териб олиб ташқарига чиқариб ташлаш билан бажарилади.

Материаллар ва услуби. Бизнинг тадқиқотларимиз Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг “Қорақалпоғистон тупроқ-иқлим шароитига мос кунгабоқарнинг оддий ва мураккаб дурагайлашдан тезпишар, серҳосил, юқори мойдор янги истикболли навларини яратиш” номли амалий лойиҳа бўйича дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. Барча дала кузатувлари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [2] бўйича олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Маълумки, Республикамизда кунгабоқар навларининг асосий кўрсаткичларидан бири тезпишарлик бўлиб, асосий қимматли хўжалик белгиларини ижобий бўлишида катта аҳамият касб этади. Чунки вақтли йиғиб олинган ҳосил сифатли ва ўта пишган ҳолатда бўлади. Бундан ташқари тезпишар навлар бир мавсумда икки маротаба ҳосил олишга асос бўлади ва буғдойдан сўнг экиладиган асосий экин сифатида имконият яратади. Тадқиқотларимизда кунгабоқарни F_4 оддий ва мураккаб дурагай оилаларини тезпишарлик белгисининг вариацион қаторлар тузилиб, ўзгарувчанлиги таҳлил қилинди. Бунда вегетация даври белгиси бўйича кўрсаткичлар 2 кундан 8 та синфда оилаларда ўсимликлар тақсимланди. Оддий ва мураккаб дурагайларда асосан оилалар 3 ва 5 синфларда жойлашиб, 75,2 кундан 76,5 кунгача ораликдаги оилаларни ташкил этди. Ўрганилган F_4 оддий дурагайлардан энг тезпишар, яъни ўртача 75,2 кунгача бўлган оилалар F_4 (С-Альстор х КК-1) ва F_4 (Сор Голлипс х КК-1) 76,1 кун бўлиб, бошқа дурагай оилалардаги ўсимликларга вегетация даври қисқа бўлганлиги оддий дурагай оилаларда ўзгарувчанлик коэффициенти 3,8-3,5 фоизни ташкил этди. Олиб борилган тадқиқотларда



**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



вариацион каторнинг ўнг томонида жойлашган, яъни вегетация даври белгиси бўйича кечпишар бўлган ўсимликлар чиқитга

1-жадвал

Тезпишарлик белгиси бўйича кунгабоқарни F₄ дурагай оилаларининг вариацион таҳлили.

№	Оддий ва мураккаб дурагайлар	K=2								n	M±m	δ	B%
		68	70	72	74	76	78	80	82				
1.	F ₄ (Тельс х КК-1)	1	1	3	6	10	10	2	2	35	76,1±0,5	3,0	4,0
2.	F ₄ (C-Альстор х КК-1)	-	2	6	10	8	6	3	2	37	75,2±0,4	2,8	3,8
3.	F ₄ (C-НС-Н-2011 х КК-1)	1	1	2	4	13	8	4	3	36	76,5±0,5	3,1	4,0
4.	F ₄ (Жант lower х КК-1)	-	1	2	4	15	8	2	1	33	76,2±0,4	2,3	3,1
5.	F ₄ (Сор Голлипс х КК-1)	1	1	2	12	10	4	1	1	32	76,1±0,4	2,6	3,5
6.	F ₄ (Ак-12/95 х КК-1)	-	1	3	7	12	10	2	1	36	76,0±0,4	2,5	3,2
7.	F ₄ [F ₁ (Жант lower х КК-1) х (F ₁ (Ак-12/95 х КК-1))]	1	1	4	6	8	12	1	1	34	76,2±0,5	3,2	4,2
8.	F ₄ [F ₁ (C-НС-Н-2011 х КК-1) х F ₁ (C-Альстор х КК-1)]	-	1	3	8	10	9	2	-	33	75,7±0,4	2,3	3,1
9.	F ₄ [F ₁ (Сор Голлипс х КК-1) х (F ₁ (Тельс х КК-1))]	-	-	2	4	15	10	2	1	34	76,5±0,3	2,1	2,7

чиқазилди ҳамда тезпишарлик белгиси бўйича вариацион каторнинг чап томонида жойлашган оилалар сақлаб қолинди (1-жадвал).

Хулоса. Иккинчи йиллик тадқиқотларда турли хил селекцион танлашлар асосида кунгабоқарни F₄ оддий ва мураккаб дурагай оилаларини тезпишарлик ва асосий қимматли хўжалик белгиларини ижобийлиги билан мужассамлашган ҳолда бошланғич ашёлар сифатида кейинги кўчатзорга ўтказиш мақсадида танлаб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Атабаева Х. Н. «Ўсимликшунослик». Тошкент. «Мехнат». 2000 б.480
2. Волотович А.А, Прохоренко О.В. Эффект комбинационной способности и гетерозиса у подсолнечника Сб. докладов 3 й межд-й конф. Молодх учёных и специалистов ., Краснодар 2005 С. 3-5.
3. Василев Д.С. “Подсолнечник” М. Агропромиздат. 1990 с. 345